

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

«Навоий ИЭС» АЖ

Бош директори

К.Х.Ганиев

2021 йил 4 январ

2020 йилни 12 ойи давомида «Навоий ИЭС» АЖга келиб тушган мурожаатларнинг қайд қилиниши, кўриб чиқилиши ва сайёр қабуллар ўтказиш ҳолатлари бўйича ўтказилган ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлили бўйича
М А Ё Л У М О Т Н О М А

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасига асосан «Навоий ИЭС» АЖга 2020 йилнинг 12 ойи давомида келиб тушган мурожаатларнинг қайд қилиниши, кўриб чиқилиши, сайёр қабуллар ўтказилиш ҳолатлари бўйича ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлили ўтказилиб, қуйидагилар аниқланди.

2020 йилни 12 ойида “Навоий ИЭС” АЖга жами бўлиб 90та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 36таси оғзаки шаклдаги мурожаат, 45таси ёзма шаклдаги, 9таси электрон мурожаатларни ташкил қилади. Ушбу 90та мурожаатлардан 87таси жисмоний шахсларнинг мурожаатлари, 3таси юридик шахснинг мурожаати.

2019 йилнинг 12 ойи давомида “Навоий ИЭС” АЖга жами бўлиб 179та мурожаат келиб тушган бўлиб, шулардан 88таси оғзаки шаклдаги мурожаат, 73 таси ёзма шаклдаги, 18 таси электрон мурожаатларни ташкил қилади.

Шундай қилиб 2020 йилни 12 ойи давомида 2019 йилни шу даврига қараганда **умумий мурожаатлар сони 89тга, яъни 49,7%га камайган.**

2020 йилни 12 ойида қабул қилинган ва кўриб чиқилган 90та мурожаатлардан Бош директор К.Х.Ганиев ҳиссасига 68та, Бош директор ўринбосарлари ҳиссасига 22та мурожаат келиб тушмоқда.

2020 йилни 12 ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган 9та мурожаатлардан 9 таси маълумотнома тузиш вақтида кўриб чиқилган ва бўйича тушунтиришлар берилган, рад этилган мурожаатлар қайд қилинмаган.

2020 йилни 12 ойида “Навоий ИЭС” АЖга келиб тушган 90 мурожаатлардан 13таси қисман ва тўлиқ қаноатлантирилиб, 76таси бўйича тушунтириш берилган, 1таси мазкур маълумотнома тузиш вақтида кўриб чиқиш жараёнида, рад этилган мурожаатлар қайд қилинмаган.

2020 йилни 12 ойи давомида мурожаатлар билан ишлаш юзасидан 1та ўрганиш ўтказилган ва кўпол ҳамда жиддий камчилик аниқланмаганлиги сабабли тегишли ходимларга моддий жазо турлари қўлланилмаган.

Мурожаатларни масалалар кесимида таҳлили ўтказилганида, 2019 йилда иссиқлик энгергиясини етказишда нуксон ва камчиликларга йўл қўйилганлиги юзасидан Ўз.Р. Президентининг Виртуал қабулхонаси ва бошқа юқори турувчи идораларга куплаб мурожаат булган булсада, 2020 йилни 12 ойи давомида бу каби масаладаги мурожаат қайд қилинмаганлигини кўришимиз мумкин.

2020 йилни 12 ойида маъмурият ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари устидан берилган мурожаатлар сони 2 тани ташкил қилмоқда.

2019 йилни 12 ойида сайёр ва оммавий қабуллар сони 3 тани ташкил қилсада, 2020 йилни 12 ойи давомида сайёр ва оммавий қабуллар сони 4тани ташкил қилмоқда. Шу билан бирга агарда "Коронавирус" пандемияси билан боғлиқ бўлган вазият келиб чиқмаганида, 2020 йил давомида ушбу каби сайёр ва оммавий қабуллар сони кўпайган бўлиши мумкинлигини айтиб ўтиш жоиз булади.

Тизимда энг кўп мурожаатлар тушаётган масалалар таҳлили ўтказилганида, шу нарсани айтиб ўтиш керакки оммавий ва сайёр қабулларда "Навоий ИЭС" АЖнинг ишчилари томонидан уларнинг ойлик маошлари бошқа корхоналарнинг ишчиларининг ойлик маошидан камлиги эътироф этилмоқдалигини курсатиш мумкин. Бунинг сабаблари деб "Навоий ИЭС" АЖ иқтисодий жиҳатдан Республика бўйича анча ривожланган Навоий регионидида жойлашган бўлиб, бу ерда фолият кўрсатиб келаётган бошқа гигант корхоналар (НГМК, Навоийазот" Кизилкумцемент" , "Навоий ЭИЗ" каби корхоналар)даги ишчиларнинг ойлик маошлари юқорироклигида деб изоҳлаш мумкин.

Шу билан бирга идора тизимида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати борасида **жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбирлар** кам ўтказилмаган, **телевидение ва радиода, босма ОАВ (газета ва журналлар) да чиқишлар сони** деярли йўқлигини кўрсатиш мумкин.

Мазкур ўрганиш ва таҳлил натижаларига кўра корхонани мурожаатлар билан ишлаш борасида мурожаатлар билан ишлаш ахволи юзасидан ўрганишлар сонини кўпайтириш, мурожаатлар билан ишлашда назоратни кучайтириш, бу борада нуксонга йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли интизомий жавобгарлик чораларини белгилаш, идора тизимида энг кўп тушаётган масалалар бўйича таҳлиллар сонини кўпайтириш, таҳлиллар натижаларига кўра тегишли идораларга **таклифлар юборишни** купайтириш, **жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича тадбирлар ўтказиш**, мурожаатлар билан ишлаш юзасидан **жамоатчилик вакиллари олдида ҳисобот бериш**, **сайёр қабуллар сонини** коронавирус эпидемияси ҳолати тамом бўлганидан сўнг кўпайтириш, **телевидение ва радиода, босма ОАВ (газета ва журналлар)да чиқишлар сонини ошириш** лозим бўлади деган хулосага келинди.

Ушбу ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил ўтказиш давомида “Навоний ИЭС” АЖга келиб тушган мурожаатларнинг барча йилдан фойдаланилди ва мазкур маълумотнома Бош директор, директорлар, бўлим бошлиқларига хизма жараёнида маълумот тариқасида қабул қилишлари ва тегишли чоралар кўриб боришлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасини 4-бандига асосан веб-сайтга жойлаштирилиши учун тақдим қилинмоқда.

Маълумотномани тузувчи
Офис-менежер



И.Б.Норов